

Кўшикчи шоир ва драматург Туроб Тўла 1918 иили Козогистон республикаси Чимкент вилоятиниши Турбат кишлогида дехкон оиласида тугилди. У болалар уйида тарбияланди.

1938—1941 йилларда Тошкент педагогика институтининг кечки бўлимида тахсил олди. Шу билан бирга, «Ёш куч» ойномаси, «Ёш лениячи» рўзномаларида ишлади. Сўнгра Ўзбекистон Давлат нашриётида мухаррир, «Ўзбекфильм» ва Ўзбекистон Радиосида бўлим бошкарувчиси, Республика киночилар уюшмаси котиби, Маданият ишлари вазирлигига бўлим раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси кошидаги адабиёт таргиботи раёсатининг раҳбари, Хамза театри директори каби бир канча масъул ижодий вазифаларда фаоллик кўрсатди.

Туроб Тўла шеър ёзишни 1934 йиллардан бошлади. 1939 йилда унинг биринчи шеърлар тўплами босилган. 1941—1945 йилларда унинг Улуг Ватан уруши фронтларида жанг килаётган совет аскарларига багишлиланган шеърлари халқимизнинг фашизмга нафрата ва ватанга бўлган хис-туйгуларини ифодалади. Шоирнинг «Шодлигим» (1941), «Табассум» (1944) тўпламларидаги шеърлари хам Улуг Ватан уруши фронтида курашаётган жангчиларга багишлиланади.

Туроб Тўла «Баҳт тонготари» (1948), «Сен ҳакингда», «Канот кокинг, кўшикларим», «Камалак», «Нафосат», рус тилида нашр килинган «Звени моя песня» (1954) юмли тўпламлари кўпгина шеър ва достонларни ўз ичига олади.

У «Болалар достони» (1950) номли асарида ёш китобхонларга мактаб ва дўстлик хакида хикоя килади. 1955 йилда Туроб Тўла «Канотлан кўшикларим» шеърлар тўпламини ўкувчиларига тақдим этди. Унинг кўшик учув ёзилган ёқимли, жарангдор шеърлари замонамиз кисгиларининг юрагига хамоҳангдир. У кўшикчи шоир сифатида хам ўз элига, юритига машхур бўлган.

Бир канча киноповестлар, жумладан, «Раис», «Маргилонлик киз», «Талант», «Мафтунингман», «Фуркат», «Шашмаком», «Тўккизинчи аср монологи», «Каҳр» филилмлари ссенарийси Туроб Тўла каламига мансубдир. Хаётининг сўнгги йилларида Туроб Тўланинг «Кирк киз», «Кизбулок», «Момо ер» (Ч. Айтматов асари асосида), «Нодирабегим», «Каҳр» пъесалари кўйилди. Шунингдек, у «Зулматдан нур» (Ойбекнинг «Кутлуг кон» романи асосида) операсини хамда «Самарканд афсонаси балетининг либреттоларини ёзган,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла ўз шеърлари, кўшиклари, музыкали драмалари ва киноповестлари билан ўзбек китобхонлари ва томошибинлари калбидан жой олган. Шоир Туроб Тўла 1990 йилда оламдан ўтди.